

# Шавкат Мирзиёев ифторлик тадбирида иштирок этди



19:20 / 25.03.2025 1183

***Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим.***

**Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар, нуроний отахон ва онахонлар!**

**Қадрли меҳмонлар!**

Сиз, азизларни, бутун халқимизни, узоқ-яқиндаги жамики мусулмон умматини давом этаётган муборак Рамазон ойи билан яна бир бор самимий табриклайман. Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва фаровонлик ёр бўлишини тилайман.

Ушбу шарофатли ойда гўзал диёримизда мана шундай файзли ифторлик маросимини эл-юртимиз билан биргаликда ўтказиш насиб этгани учун меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтамыз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги даврамизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимизга – хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллариغا, диний конфессиялар раҳбарларига Ватанимиз ва халқимизга кўрсатаётган юксак эҳтиром ва эътиборлари учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

### **Азиз дўстлар!**

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”** деган эзгу ғоя бизнинг фаолият дастуримизга айланмоқда. Шу асосда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ижтимоий ҳаётимизда етакчи ўринга чиқмоқда.

Фуқароларимизнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланаётгани бу йил Рамазон ойида янада яққол намоён бўлмоқда.

Муқаддас динимиз буюрган хайрли амаллар – аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-саховат, сабру қаноат, ахлоқ-одоб, илму маърифат фазилатлари жамиятимизда тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Хусусан, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш, буюк тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, улуғ алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ана шу эзгу мақсад йўлида Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган улкан илмий-маънавий лойиҳа сифатида мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу марказ неча минг йиллик тараққиёт ютуқларини ўзида мужассам этиб, ислом цивилизацияси юртимизда айнан илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва маърифат асосида ривожланганини тасдиқлайди. Бу маскан биз учун нафақат ўтмиш ёдгорлиги сифатида, балки халқимиз, ёшларимизни келажак сари чорлаши, буюк кашфиётларга руҳлантириши

билан айниқса эътиборлидир.

Хабарингиз бор, улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг Самарқандда барпо қилинаётган муаззам мажмуаси қурилиши ҳам жадал давом эттирилмоқда. Бу ерда буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган музей ва илмий даргоҳлар билан бирга, 10 минг кишилик масжид ҳам бунёд этилмоқда.

Насиб этса, бу йил ана шу икки муҳташам обидани – Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий мажмуасининг очилиш маросимини барчамиз биргаликда тантанали равишда ўтказамиз.

Халқимизнинг ислом дини ва фалсафасига қўшган бебаҳо ҳиссасини янада теран ўрганиш мақсадида яқинда яна бир муҳим қарор қабул қилдик.

Бу йил мутафаккир аждодимиз, калом илмининг буюк пешволаридан бири бўлмиш Имом Мотуридий ҳазратлари таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаймиз. Жумладан, ул зотнинг Самарқанддаги муборак қадамжолари янада обод қилинади.

Энг муҳими, бу ишларимиз Имом Мотуридий мероси ва мотуридийлик таълимотини юртимиз ва хорижий олиму уламолар билан ҳамкорликда илмий асосда ўрганишда янги ва катта қадам бўлади.

### **Ҳурматли дўстлар!**

Кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва бирдамликни кучайтириш вазифаси доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида нуфузли халқаро анжуман ўтказамиз. “Декларациялар мулоқоти форуми” деб номланган бу йирик тадбир 2022 йили Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманнинг мантиқий давоми бўлиб, турли диний эътиқод вакиллари ўртасида ўзига хос маърифий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда яна таъкидлаб айтмоқчиман: **мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик - бизнинг энг катта бойлигимиздир.**

Ана шу беқиёс бойликни кўз қорачиғидек асраш, юртимиздаги дўстлик, тенглик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни

бундан буён ҳам қатъий давом эттираемиз. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этаемиз. Бу масала ҳозирги мураккаб даврда биз олиб бораётган эркинлик ва очиқлик сиёсати учун айниқса ўта муҳимдир.

### **Муҳтарам юрtdошлар!**

Янги Ўзбекистон янгича устувор тамойилларга, жумладан, Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган ижтимоий давлат мақомига эга бўлиб, халқчил ва инсонпарвар сиёсат олиб бормоқда.

Шу борада биргина мисол келтиришга ижозат бергайсиз. Ўтган йилнинг ўзида кўмакка муҳтож инсонларга 16 триллион сўмлик моддий ёрдам ва нафақалар берилди. Кам таъминланган оилаларга мансуб 51 минг нафар бола боғчага жойлаштирилди, уларнинг 176 минг нафар аъзосига тиббий кўмак кўрсатилди, 182 минг нафари эса ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали 94 мингга яқин кам таъминланган оилаларга даволаниш, озиқ-овқат, кийим-кечак, коммунал тўловлар билан боғлиқ 130 миллиард сўмлик харажатлар қоплаб берилди.

“Аёллар дафтари” доирасида 3,5 миллион нафар опа-сингилларимизга 5 триллион 700 миллиард сўмлик ёрдам ажратилди.

“Ёшлар дафтари” жорий этилганидан буён 1 миллион 300 минг нафар эҳтиёжманд ёшларга 1 триллион 700 миллиард сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Энг асосийси, бу ишларимиз изчил давом эттирилмоқда.

### **Қадрли маросим иштирокчилари!**

Янги Ўзбекистоннинг устувор хусусиятларидан яна бири – бу “яшил тараққиёт” йўлидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги экологик макон барпо этилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси айнан шу мақсадга қаратилган.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган жорий йилда амалга оширилаётган давлат дастури ҳам бу борада муҳим қадам бўлмоқда.

Яқинда Хива шаҳрида илк бор кенгайтирилган таркибда ўтказилган Конфессиялараро кенгаш мажлисида юртимиздаги диний конфессиялар вакиллари мазкур давлат дастурида фаол иштирок этишга қаратилган муурожаатнома қабул қилдилар.

Албатта, жамиятимиздаги эзгу ишларда ҳурматли дин пешволари, уламо ва нуронийларимиз, кенг жамоатчилигимиз фаол иштирок этаётганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу йил “Яшил макон” лойиҳаси доирасида баҳор мавсумининг ўзида диний соҳа ходимлари томонидан 10 минг тупдан зиёд дарахт, 32 минг тупга яқин гул экилгани, масжид ва зиёратгоҳларда 25 гектар ер обод қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Юртимиз ҳожиларининг ҳам кўплаб хайрли ишларда шахсий намуна кўрсатиб, ўрнатқанлари албатта барчамизни хурсанд қилади.

Ўтган йили муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигида ҳожиларимиз **“Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз”** деган ташаббусни илгари сурган эдилар. Шу кунга қадар уларнинг ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларга 6 миллиард 300 миллион сўм миқдорида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундай савобли ишлари учун уларга барчамиз чин кўнгилдан ташаккур айтамыз.

### **Муҳтарам ватандошлар!**

Ҳозирги кунда дунёдаги вазият ўта қалтис ва мураккаб бўлиб бораётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Афсуски, аксарият зиддият ва можаролар айнан ислом дунёсида содир бўлаётгани барчамизни чуқур ташвишга солмоқда.

Нотинчлик ўчоқлари исталган пайтда кенгайиб, бутун-бутун минтақаларга ёйилиб кетиш хавфи тобора ортиб бормоқда.

Мусулмон мамлакатларида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун бирдамлик ва ислом уммати ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Эътиборимиз марказида туриши керак бўлган яна бир масала – бу ёшларимизнинг қалби ва онгини заҳарлашга, ҳаётини издан чиқаришга қаратилган кўплаб таҳдидлар билан боғлиқ.

Фарзандларимизни илм-маърифатга тарғиб этиш, ёт ғоялар таъсиридан сақлаш борасида ҳурматли имом-хатибларимиз, кўпни кўрган отахон ва онахонларимиз, маҳалла фаоллари, ҳожиларимизнинг ўрни беқиёс, албатта.

Барчамиз сизларнинг ушбу йўналишда олиб бораётган фаолиятингизни юксак қадрлаймиз.

Буюк Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг **“Кўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин”**, деган ўғитлари ҳаммамизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланиб кетган.

Ёшларимизни мана шундай руҳда тарбиялашда уларни меҳнат ва касбга ўргатиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳурматли нуронийларимиз, маҳалла фаоллари, миришкор фермерларимиз, тадбиркорларимиз ёшларни ҳалол меҳнат қилиб, оиласи ва юрт фаровонлиги йўлида тинимсиз изланиб яшашга ўргатадилар, деб ишонаман.

### **Ҳурматли дўстлар!**

Ушбу фазилатли ой давомида юртимиздаги 9,5 мингга яқин маҳаллада кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларда ифторлик дастурхонлари ёзилиб, хайр-саховат ишлари амалга оширилди.

Жойлардаги бу тадбирларда муфтий ҳазратлари ва имом-хатибларимиз ҳам хонадонма-хонадон юриб, фаол иштирок этишди.

Ўйлайманки, **“Рамазон – саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи”** шиори остида ўтказилган бундай хайрли маросимлар инсон қадрини улуғлаш, пок мақсадли барча юртдошларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, **“Яхшиларнинг иши – яхшилик қилишдир”**. Чиндан ҳам, бу ҳаёт айнан эзгулик ва яхшилик туфайли доимо ёруғ ва бардавомдир.

Шу боис эзгу ниятлар ижобат бўладиган муборак Рамазон ойида, Лайлатул қадр кечаси арафасида туриб, юртимизда, бутун дунёда тинчлик ва фаровонлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишини сўраб дуолар қиламиз.

Илойим, ҳаётимиз доимо мана шундай мунаввар, файзли ва баракали бўлсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимиз соғ-омон бўлсинлар!

Меҳрибон опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз ёнимизда доимо тоғдек таянч бўлиб турсинлар!

Фарзандларимиз билимли, касб-ҳунарли, азму шижоатли ёшлар бўлиб, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этсинлар!

Юртимиз тинч, меҳнаткаш, олижаноб халқимиз ҳамиша омон бўлсин!